


Қалбимизнинг басийрат кўзини қандай очамиз?!



17:30 / 26.03.2021 2010

Ҳақиқатларни билиб, басийрат кўзи билан кўришдан тўсувчи икки сабабни Пайғамбар алайҳиссалом қуйидаги ҳадисда зикр қилганлар.

«Агар қалбларингиз (дунёга машғул бўлиб, Аллоҳдан узилиш каби нарсалар билан) пароканда бўлмаганида ва (ботил ва кераксиз) сўзларни кўпайтирмаганида, аниқки мен эшитган нарсаларни эшитган бўлардингиз», деб айтганлар.

Имом Аҳмад ривояти.

Аллоҳ кимга ҳикмат ва қалб кўзи очилишини насиб қилишини истаса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу сўзларига амал қилсин. Шунда унинг пароканда қалби Аллоҳга боғланади ва эҳтиёж тушган сўзларни гапиради холос. Агар тили қалби билан жам бўлгани ҳолда зикрга машғул бўлса, иншааллоҳ, юқорида истаган нарсаси унга насиб қилади.

Изоҳ: – Арабча «басийрат» сўзи «ақл-идрок», «заковат», «қалб кўзи», «тажриба», «хужжат», «ибрат» каби маъноларни англатади.

Басийрат соҳибида қалб кўзи очилиб, бу олам ва борлиқни олдингига нисбатан бошқача идрок этади, бу оламнинг сир ва жумбоқлари моҳиятини англайди.

Манба: arabic.uz